

Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон Давлат курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтида Бир қатор минерал сувларнинг, жумладан Чортоқ юқори минерализацияланган йод-бром, хлорид-натрий сувнинг организмга таъсири ўрганилган (Я.К. Муминов, А.Н. Дрынкин, В.М. Файбушевич, М.И. Кетко, Т.В. Толкачева ва бошқалар). Институтнинг илмий-текшириш экспедициясини Чортоқдаги минерал сувни ўрганиш ишлари тўғрисида 1949-1954 йиллардаги маъруза хатлари, ҳисоботлар ва уни ташкиллаштириш бўйича ёзишмалари ўрганиб чиқилди.

Биринчи клиник кузатувлар ва тажриба тадқиқотлари (М.И. Кетко, К.А. Махонина) Чортоқ минерал сувининг меъданинг секретор ва эвакуатор-мотор фаолиятига рағбатлантирувчи таъсирини кўрсатди.

Маълум бўлишича, Чортоқда 1950 ва 1951 йилларда Чортоқ минерал сувининг сурункали гастрит бўлган беморларда меъда секрециясига ва меъданинг ҳаракатланиш функциясига бўлган таъсири устидан кузатувлар олиб борилган. 1953 йилда экспедиция бошлиғи **У.Кистко** ва бир қатор мутахассислар томонидан илмий текшириш ишлари олиб борилган.

Беморлар Тошкентда танлаб олинган.

Текширув Чортоқда даволанишдан олдин ва кейин ўтказилган.

Қуйидаги текширувлар ўтказилган: 1) умумий қон таҳлили, 2) умумий сийдик таҳлили, 3) умумий ахлат таҳлили, 4) меъда ширасининг фракцион текшируви, 5) дуоденал ширанинг текшируви, 6) меъда-ичак трактининг рентгеноскопияси ва 7) кўкрак қафасининг рентгеноскопияси (-назорат).

Жами мавсумда 347 лаборатор таҳлил, 104 рентген текшируви, шулардан 68тасида меъда-ичак трактининг текшируви ўтказилган.

Даволаш усули кунига 3 маҳал овқатдан 10-30 олдин 200 к.е. миқдордаги 20-24 °С ли аралаштирилган минерал сувни (бир стакан қайнатилган сувга 2 ош қошиқ) қабул қилишдан иборат бўлган; нормацид ва гиперантацид гастрити бўлган беморлар худди ўша дозани, лекин овқатдан 1-1,5 соат олдин 40-42 °С лисини олган. Юқорида кўрсатилган усулда ўтказилган даволаш курси натижасида деярли барча беморларда диспептик шикоятлар аҳамиятли тарзда камайган ёки кўпроқ умуман йўқолиб кетганлиги аниқланган.

Кейинги йиллардаги каби объектив текширишда кўпгина беморларда жигар ўлчамларининг қисқариши қайд этилган, у катталашган айрим беморларда қон сурати яхшилانган; кўпчилик беморлар вазн орттирган.

Ушбу бўлим кўрсатмалари асосида Чортоқ сувидан фойдаланиш усули кенгайтирилган.

Бир вақтнинг ўзида овқат ҳазм қилиш органларининг бошқа касалликлари (сурункали колит, буйрак-пуфак тизими касаллиги) бўлган беморларда ичга қўлланилишида чортоқ сувининг яхши таъсир қилишига кўрсатувчи айрим маълумотлар қайд этилган, бу эса ушбу касалликларда Чортоқ сувининг таъсирини давом эттиришга асос берган.

1960 йилда Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон давлат курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти Ташкилий-услубий бўлим мудирини М.И.Кетко томонидан Чортоқ 32-қудуқ минерал сувнинг кимёвий таркиби ва жисмоний хоссалари ўрганиб чиқилган ва сувнинг кимёвий характеристикаси: *кучсиз минераллашган, хлорид сульфат-натрий калцийли* деб таъкидланган. 1961 йилда "Табий Чортоқ минерал сувини қўллаш" услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

1961 йилда "Курортдан ташқари шароитда овқат ҳазм қилиш тизимини касалликларини даволашда табиий Чортоқ тузининг қўлланилиши" услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

09.06.1961 йилда 5-сон баённома билан Ташкилий бўлим томонидан Н.А.Семашко номли институтнинг Ўқув кенгаши томонидан " Чортоқда 32-сонли қудуқнинг менирал сувини даволаш мақсадида қўлланилишга кўрсатмалар ва қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар" тасдиқланган.

1963 йилда институт режаси бўйича тиббиёт фанлари номзоди Каценович Р.А раҳбарлигида ижрочи - кичик илмий ходим Ходжаева Л.И. томонидан "Овқат ҳазм қилиш касалликларини Чортоқ тузи билан даволаш" мавзусида илмий текшириш ишлари олиб бориш бошланган.

1964 йилда Пятигорск курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг илмий қисм бўйича директор ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди А.А. Реккандту томонидан "Овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини даволаш" бўлими бўйича ўтказилган илмий тадқиқот ишлари кўриб чиқилган ва бу бўйича ижобий аннотациялар юборилган.

"Чортоқ" санаторийси амалиёт шифокори Убайдуллаев томонидан 1965-1969 йилларда проф. Каценович Р.А. тиб.фан.номз. Садиқов А.С. раҳбарлигида "Чортоқда сурункали колити бўлган беморларни даволаш" мавзусида илмий-текшириш ишларининг олиб борилган.

Н.А.Семашко номидаги Ўз.Дав. курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институти томонидан "Овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини даволашда табиий Чортоқ тузининг қўлланилиши" мавзусида илмий текшириш ишлари олиб борилган. Услубий кўрсатма ЎзССР "Тиббиёт" нашриёти 1969 йилнинг 1 чорагида нашр этилган. ЎзССР Соғ.Сақл.вазирлигининг Олимлар тиббий кенгаши томонидан тасдиқланган, 11/11-1968 й.даги №20 баённомаси асосида маъқуллаган. Н.А.Семашко номидаги клиник шифохонада синовдан қайд этилган. Овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини даволашда табиий Чортоқ тузининг қўлланилиш усули ишлаб чиқилган. Таклифнинг қисқача тавсифи – Меъда ва ичакнинг сектор, мотор-эвакуатор фаолияти, сафро ажратилиши ва ўт қопининг моторикасининг клиник маълумотлари ва кўрсаткичлари бўйича омилларнинг ижобий таъсири қайд этилган. Усул курортдан ташқари шароитда (поликлиника, умумсоматик стационарлар) қўлланилиши мумкинлиги таъкидланган. Ушбу усулни жорий этишнинг ташкилий ва моддий-техник таъминоти, ижрочилар Н.А.Семашко номидаги Ўз.Дав. курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институти, Касаба уюшмалари курортларини бошқариш кенгаши ва Ўз.соғ.сақлаш вазирлигининг даволаш бошқармаси бўлган.

1968 йилда "Овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини даволашда табиий Чортоқ тузининг қўлланилиши" (услубий кўрсатмалар) тиббиёт фанлари номзоди Ходжаева Л.И. томонидан ишлаб чиқилган.

Ходжаева Л.И. томонидан "Курортдан ташқари шароитда овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини даволашда табиий Чортоқ тузининг қўлланилиши" мавзусида илмий текшириш ишлари олиб борилган.

Тажрибавий тадқиқот (К.А. Махонина) Чортоқ табиий тузи меъда секрециясига ва сафро ажратиб чиқарилишга рағбатлантирувчи таъсир этишини кўрсатди.

Даволаш натижасида беморларнинг умумий аҳволи яхшиланган, ўнг қовурғаостидаги, ичак соҳаси ва кўкрак ости соҳасидаги оғриқлар ғойиб бўлган ёки аҳамиятли пасайган, жигар кичиклашган, ич келиши меъёрлашганлиги таъкидланган. Бир вақтда меъда ва ичакнинг секретор ва мотор-эвакуатор фаолияти, ҳамда сафро ажратилиши ва ўт қопининг моторикаси ҳам яхшиланган. Аниқ кўринувчан натижалар айниқса меъданинг секретор фаолиятини пасайишида кузатилган.